



Республика
болалар ижтимоий
мослашуви маркази
Самарқанд
минтақавий
филиали

**«Ҳимояга муҳтож гуруҳдаги
болалар ва уларнинг оилаларига
мажмуавий ёрдамнинг самарали
моделли – уларнинг жамиятга
ижтимоийлашувини таъминлаш
омили сифатида»**

Тошкент – 2020

- ўқувчиларда меҳнат машғулотларига барқарор ижобий муносабатни тарбиялаш кўп жиҳатдан юқорида кўрсатиб ўтилган меҳнат таълими коррекцион вазифаларини ҳал қилиш муваффақиятлигини белгилайди;
- махсус (коррекцион) мактабда меҳнат таълими ўқувчиларнинг жисмоний ривожланишларига катта таъсир кўрсатади. Ўқув меҳнати ўқув вақтининг аҳамиятли қисмини ташкил этади. Мазкур шароитлар меҳнат гигиенасига муайян талабларни қўяди ва уларга риоя қилинганида меҳнат ўқувчиларнинг саломатликлари ҳолати ва жисмоний ривожланишларига ижобий таъсир кўрсатади: ҳаракатлар координацияси такомиллашади, мушак кучи ривожланади, нафас олиш ва юрак-томир тизими иши яхшиланади. Гигиена қоидаларига асосланган тарзда тўғри ташкил этилган меҳнат тайёргарлиги ўқувчиларнинг ишлаш қобилиятларини ривожлантиради;
- меҳнат таълимида эстетик тарбия ўқувчиларда меҳнат ва инсоний ўзаро муносабатларнинг гўзаллигини идрок этиш (ҳамда ўз фаолиятида қўллаш) кўникмасини шакллантиришдан иборат. Эстетик тарбия ўқув устахонасини жиҳозлаш ва ишлаб чиқариш амалиёти ҳамда экскурсиялар вақтида ўқувчиларнинг ахлоқ қоидаларини ўрнатишдан бошланади. Эстетиканинг талаблари устахонани жиҳозлашда ҳам, ускуна тузилишида ҳам, шунингдек, унинг ташқи кўринишида ҳам ўз аксини топиши лозим.

3. Билимларни ўқувчиларга тушунарли бўлган ахборот-коммуникацион технологияларда шакллантириш.

Махсус (коррекцион) мактабнинг меҳнат бўйича ўқув дастурлари энг зарур билимларни шакллантиришни назарда тутди. Ўқувчиларнинг устахоналардаги амалий ишлари ва назарий таълимлари – бу меҳнат тайёргарлигининг икки ўзаро боғлиқ қисмлари. Уларнинг бирини алоҳида афзал кўриш билан бошқасини заифлаштиришга йўл қўйилмайди. Коммуникацион технологиялар билимларни эгаллашдаги камчиликлар ўқувчиларнинг улар учун янги бўлган вазиятлардаги мустақил меҳнат қилиш даражаларини пасайтиради. Техник билимларни эгаллашдаги паст қобилиятлар махсус (коррекцион) мактаб битирувчиларининг ишлаб чиқаришдаги ўз малакавий тоифаларини ошириш имкониятига салбий таъсир кўрсатади. Санаб ўтилган босқичларнинг ҳар бирининг ажралмас шарт – ҳаракатлар ва натижалар назорати бўлиб ҳисобланади. Тасаввур қилинган (хаёлий) фаолиятнинг ишни бажарувчи инсон томонидан бевосита идрок этадигани билан солиштирилишини ўз-ўзини назорат қилиш, деб атайдилар. Ўз-ўзини назорат қилиш ишчининг ҳаракатларини фақат аввал эгалланган ҳаракатлар ва натижалар андозалари мақсад ва фаолиятга аниқ мос келсагина, кўзланган мақсад сари йўналтиради.

Адабиётлар

1. Юсупова Н. Қўл меҳнاتини ўқитиш махсус методикаси ва педметли амалий таълим. – Т., 2015.
2. Шодмонқулова Д. Бошланғич таълимда ахборот коммуникацион ва педагогик технологиялардан фойдаланиш давр талаби. //Республика илмий–амалий конференция материаллари. – Т., 2014. 248 б.
3. Ҳамидова М., Ғафурова К., Ғуломова Д. Меҳнат таълими. // Имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб интернатларнинг 3-4 синфлар учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 2018.

ДИДАКТИК ЎЙИНЛАРНИ ТАНЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

- **Ҳ.С.Акрамова,**
Жиззах давлат педагогика институти Дефектология кафедраси ўқитувчиси
- **С.Б.Қувонов,**
талаба

Дидактик ўйинлар ва замонавий технологиялар кўпчилик ҳолларда болалар машғулотларга маълум билим ва кўникмаларни эгаллагандан сўнг ўтказилади. Акс ҳолда бу билим, кўникмаларсиз ўйинни ўтказиш яхши самара бермайди. Дидактик ўйин пайтида дарсларда қўлланиладиган

бевосита такрорлаш методларидан фойдаланишдан мақсад фақат фаол болаларнигина эмас, балки пассив болаларни ҳам иштирок этишга ундаб, муайян натижаларга эришишдан иборат.

Табиийки, дидактик ўйинлар ва замонавий технологиялар асосидаги машғулотлар жараёнида болалардаги фаоллик турлича бўлади. Бу эса ўқитувчилардан гуруҳдаги барча болалардан диққат ва қизиқишларини бўлмаган ҳолда замонавий технологиянинг бор имкониятларидан фойдаланиб, улардаги фаолликни сақлаш, машғулотларда эгаллаган билимларини қайта тиклашга қаратишни талаб этади.

Шундай ўйинлар сирасига болалар нутқини ўстириш мақсадида «Почтальон хат ташийди», «Почтальон» ўйини, «Ким тез айта олади», «Тез эслаб қолиш» ўйинларини киргизиш мумкин.

«Почтальон» ўйинининг мақсади ўқувчиларга ўқув қуролларини таништиришдан иборат. Бундан «Алифбе» китобининг 4-5-саҳифаларини кўрсатиб, таништирганда фойдаланиш мумкин.

Ўйиннинг мақсади: ўқувчиларга ўқув қуролларини таништириш.

Қўлланмалар: конверт, сумка, турли газеталар, журналлар, байроқча.

Ўйиннинг бориши: ўқитувчи бир ўқувчини почтальон қилиб тайинлайди. У газеталар, журналлар, байроқчалар солинган сумка билан синфга киради.

Почтальон ўқувчиларга қарата:

– Ким топади? Нима олиб келдим? – дейди.

Болалар ўқув қуролларининг номини айтади.

– Йўқ, топа олмадинглар.

Ўқувчилардан бири журнал деб жавоб беради.

– Тўғри, яна нималар бор айтинг-чи?

– Газета, байроқча, – дейишади болалар.

Ўқувчилардан предметларнинг маълум белгиларига қараб топширилган шартлар бўйича гуруҳлаштириш қобилиятини ўстирадиган ўйинларга қуйидагиларни мисол қилиш мумкин: »Ким тез айта олади?».

Ўйиннинг мақсади: предмет ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш [1].

Қўлланмалар: мевалар, сабзавотлар, ўйинчоқлардан: ҳайвонлар, идиш-товоқлар, қўғирчоқнинг кийим-кечаклари, турли хил ўйинчоқ машиналар ва бошқа нарсалар.

Ўйиннинг бориши: ўқитувчи турли расмли карточкаларни столга тескари ўгириб қўяди.

Ўқитувчи қўлига турли расмли карточкаларни олиб унда нима тасвирланганини, номи ва қаерда ишлаб чиқарилганлигини айтади. Шундан сўнг ўқувчиларнинг ҳар биридан алоҳида-алоҳида сўрай бошлайди. Ўқувчи агар тўғри жавоб берса, ўйинда ғолиб чиқади. Агар бола карточкадаги номларни нотўғри тушунтирса, айта олмаса, пастга олиб қўйилади».

Индивидуал дидактик ўйин ўқитувчи билан бола ўртасида бевосита муносабат яратишга ва болаларнинг орқада қолиш сабабларини чуқурроқ англашга ёрдам беради. Бунда ўқитувчининг қуйидаги каби мантикий топшириқли ўйин машғулотларини ўтказиш мақсадга мувофиқдир:

1. Ўқитувчи ёки ўқувчилардан бири бирор сўз айтади, болалар ана шу сўзга яқин ёки қарама-қарши маъноли сўз топиб айтадилар.

Масалан: мош-тош, бош-қош, баланд-паст, узун-қисқа каби.

2. Ўқитувчи ёки тарбиячи болаларга копток отади. Копток отаётганда, ўқитувчи, масалан, «анор» деса, ўқувчилар «ром-том, мош-тош, шоли-поли, уч-ўч, қуй-қўй, тур-тор» ва шу каби сўзларни топиб айтишлари керак.

3. Ҳар бир болага стол устида турган расмлардан бир-бирига номлари яқин бўлганларини топиб айтиш топширилади.

Болалар нутқ ўстириш машғулотларининг 10-15 дақиқасида турли ўйинлар билан банд бўладилар ва бу қисқа вақт ичида болалар ҳордиқ чиқариб, дам оладилар ҳамда жисмонан тетиклашадилар. Шу билан бирга, болаларнинг нутқ малакалари тасаввур этиш қобилиятлари ҳам тараққий этиб боради.

Бунинг учун ўқитувчи:

а) ўйиннинг мавзуга мувофиқлигига;

б) ўйин давомида ўқувчилар нутқининг равонлигига;

с) ўйин машғулотининг қизиқарли ўтишида турли хил кўргазмали материаллардан фойдаланишга;

д) ўйин давомида кўпчилик ўқувчиларни жалб қилишга алоҳида эътибор бериши зарур.

Ана шу кўргазмаларга амал қилиб ўтказилган дидактик ўйинлар болаларни ҳар тамонлама гармоник тарбиялашга, улар нутқини ўстиришга катта ёрдам беради.

Болалар нутқида учрайдиган камчиликларни ўйин жараёнида бартараф этиш, бунинг учун ўқувчилар билан яккама-якка иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Талаффузи қийин сўзларни такрорлатиб бориш ўқувчилар нутқини раво қилади ва луғат бойлиги оширади.

Дидактик ўйин ва замонавий технологиялар мустақил фаолиятга ундош асосида тузилган бўлиб, у болани билим олиш ва маҳорат эгаллашга ундайди. Дидактик ўйин ва замонавий технологиялар тўғри ташкил қилиш уни шунчаки машққа айланиб қолишининг олдини олади. Дидактик ўйинларни ўтказишда топишмоқ ва тез айтиш жанрларининг ўрни катта. Бу жанрлар ўқувчининг нутқини, тафаккурини ўстиради. Ўйин жараёнида бола характеридаги ўзига хос томонлар ойдинлаша боради. Бу эса ўқувчилар билан индивидуал суҳбатларда кўпроқ намоён бўлади. Одатда, болалар ўзлари кўрган, кузатган воқеа-ҳодисалар орқали турли ижобий ўйинлар ташкил этади. Масалан, «Ўқитувчи», «Мактаб-мактаб» каби. Ўйин жараёнида бола ўзининг фаолликка бўлган эҳтиёжини қондиради. Улар шу йшл билан аста-секин ўқув фаолиятига ўргатилади. Дарслардаги дидактик ўйинлар эса улар фаолиятини мустаҳкамлайди.

Адабиётлар

1. Сафарова Р. ва бошқалар. Алифбе. – Т.: Маънавият, 2004. 4-5-б.

КЎЗИ ОЖИЗ БОЛАЛАРГА АТРОФ-МУҲИТДА ТЎҒРИ ҲАРАКАТЛАНИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЎРГАТИШ ТАЛАБЛАРИ

- **М.З. Аллаёрова, М.Р. Раҳматуллаева,**
Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб интернати
бошланғич синф ўқитувчилари

Кўзи ожиз болаларни атроф-оламда тўғри йўналтириш дарслари мактаб таълим тарбия жараёнида муҳим ўринга эга ва кўзи ожиз болани тўлақонли шахс бўлиб тарбияланиш шаоитларидан бири ҳисобланади. Бу курс болага кейинги мураккаб шароитларда тез тўғри йўналиши учун зарур бўладиган сезиш, ҳаракатланиш, ақлий ва руҳий захира бўлиб қолиши керак.

Дастлабки дарсларда ўқувчилар қўл панжалари ва бармоқлари билан аниқ, тўғри ҳаракатларни бажара олишлари, турлишакдаги жисмларни қўл билан идрок қила олишлари, оёқ ёрдамида ер юзасини фарқлай олишлари, буюмларни ўлчамига, шаклига, ҳароратига, юзасига, хом ашёсига кўра фарқлашлари, атрофдаги овозларни таниш ва жамлашга ўрганиб олишлари зарур.

Хонада мўлжал олиш

Ишни эшикдан бошланг. Эшикдан кирибоқ, болада хона ҳақидаги илк тасаввурни шакллантиришга киришинг. Бунда таърифлаш, тавсифлаш, баён этиш, Шунингдек, акс-садони тинглаш усулларини қўллаш ўринли.

Боладан қарсак, бармоқ, қисирлашининг акс-садоси қандай таралаётганини, товушларнинг хона деворлари, деразалар, жиҳозлар сиртита эшикдан турлича қайтаётганини амалда кўрсатиб, тушунтиринг. Хона ичидаги манбалар (одамлар, радио, телевизор ва ҳоказо) дан таралаётган товушларни эшитиш ёруғлик ва қоронғулик каби қарама-қаршилиқ (контраст) ҳолатларга эътибор беришга даъват қилинг. Шундан сўнг эшик олдидан ўнг тарафга қараб ҳаракатланишни бошлаш мумкин. Бунда йўл-йўлакай девор бўйлаб қўйилган жиҳозлар, пол саҳнининг текислиги, сил-

МУНДАРИЖА

№	Муаллифнинг ФИШ	Мақола номи	Саҳифа
1.	Алимова В.С.	Защита прав детей: международный и национальный опыт	3
2.	Алимова В.С.	Использование информационных технологий людьми с инвалидностью	5
3.	Абдужалилова Ф.Ш.	Нутқий мулоқотнинг миллий-маданий ўзига хослиги	7
4.	Абдуқодирова Н.А.	Мактабгача таълим ташкилотларида болалар маънавиятини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари	9
5.	Абидова Н.З., Рузмухамедова Х.Ш.	Таълим технологияларининг янгича усуллари ва воситалари	11
6.	Алимова М.	Социально-педагогическая реабилитация детей с детским церебральным параличом	13
7.	Акрамова Ҳ.С., Джураева У.Қ.	Махсус таълимда имконияти чекланган болалар учун интеграциялашган ва инклюзив таълим	15
8.	Акрамова Ҳ., Муродова Г.	Ақли заиф ўқувчиларда меҳнат кўникмаларини шакллантиришда ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш	16
9.	Акрамова Ҳ.С., Қувонов С.Б.	Дидактик ўйинларни танлашда замонавий технологияларнинг аҳамияти	17
10.	Аллаёрова М.З., Раҳматуллаева М.Р.	Кўзи ожиз болаларга атроф-муҳитда тўғри ҳаракатланиш технологияларини ўргатиш талаблари	19
11.	Арсланова М.М.	Имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ақли заиф ўсмирларни оилавий ҳаётга тайёрлаш модели	21
12.	Аюпова М.	Туғма танглай ёриқликларида даволовчи ва профилактик ёрдамни ташкил этиш	22
13.	Ахмаджонов З.З.	Ижтимоий ҳимоя соҳасидаги мажмуавий ёрдам кўрсатиш тушунчаси ва аҳамияти	24
14.	Ахророва А.А.	Аутистик спектрида бузилиши бўлган болаларга ташҳис қўйиш усуллари	26
15.	Базаров А.А.	Фитнес терапия – химояга муҳтож гуруҳдаги болалар ва уларнинг оилалари ижтимоийлашувини таъминлаш омили сифатида	28
16.	Базарова Р.А.	Фарзандларимиз ота-она меҳрини туйиб яшашни истайди	30
17.	Баҳадирова З.	Оғир нутқ камчилигини бартараф этишда логопед ва ота-оналарнинг ҳамкорлиги	32
18.	Баҳадирова З.	Ўсиб келаётган ёш авлоднинг ахборот хавфсизлигини таъминлашда оиланинг аҳамияти	35